السنّة النبوية وعلومها
www.sunnah.global

# Муфарридлар ўзиб кетишди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка йўлида кетаётган эдилар, Жумдон деган тоғнинг олдидан ўтаётиб: «Юринглар! Бу Жумдон. Муфарридлар ўзиб кетишди», дедилар. «Муфарридлар ким, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. «Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркак ва аёллар», дедилар».
[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳни кўп зикр қилувчиларнинг мақомини баён қилиб бердилар. Улар (зикрлари билан) ажралиб чиқиб, жаннату наимда юқори даражаларга эришишда бошқалардан ўзиб кетдилар. Шунингдек, У зот бу кишиларни бошқа тоғлардан ажралиб турувчи Жумдон тоғига ўхшатдилар.

https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3719

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee